

# Намозга лоқайд бўлманг!

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



**Шайх Солиҳ ибн Фавзон  
ал-Фавзон**



**Таржима: Абу Жаъфар ал-Бухорий**

**Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший**

## التحذير من التهاون بالصلاة



الشيخ صالح بن فوزان الفوزان



ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## Намозга лоқайд бўлманг!



### Биринчи хутба

#### Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Мўминларга намозни белгиланган вақтда ўқийдиган қилиб қўйган, намозларни вақтида ўқиган одамларга кўп савобларни ва намозларига лоқайд бўлганларга эса аламли азобларни ваъда қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Мен: «Шериксиз якто Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Унинг бандаси ва расули эканига, пайғамбаримизнинг қувончи намозга қўйилганига, умматига вафоти олдидан намозга катта эътибор беришни васият қилганига» гувоҳлик бераман. Аллоҳ таоло пайғамбаримиз, пайғамбаримизнинг оиласи ва барча саҳобаларига кўплаб салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Ҳой мусулмонлар, Аллоҳ сизларга фарз қилган нарсаларда Аллоҳдан тақво қилинглар! Маълумингизким, намоз, шаҳодат калимала-

ридан кейин турадиган Ислоннинг энг муҳим рукнларидан бири ҳамда диннинг устуни ва банда Қиёмат кунда илк сўроқланадиган ибодатдир.

Сизлар шуни ҳам яхши биласизларки, намоз муайян вақтлардагина ўқилади ва уни ўз вақтидан илгари ёки кейин, сафар ёки касаллик каби шаръий узрлар бўлмай туриб ўқиш, мумкин эмасдир. Зеро сафар ва касаллик чоғида намозларни жамлаб ўқиш мубоҳдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Сўнг улар-нинг ортидан намозни зое қиладиган ва шахватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмонликка (яъни жаҳаннамдаги қаъри чуқур водийда тайёрлаб қўйилган ёмон жазога) йўлиқадилар. Магар иймон келтирган зотларгина ... (азобга дучор қилинмаслар)»** (Марям: 59, 60).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: **««Намозни зое қилдилар»** жумласидан мақсад улар намозни ўқимадилар дегани эмас, балки намозни ўз вақтидан кечиктирганларидир», – деди.

Тобеинлар имоми Саид ибн Мусайяб (раҳимаҳуллоҳ) эса бу ҳақда: «Зое қилишдан мақсад, пешинни аср вақти киргунича, асрни эса шом вақтигача, шомни хуфтонгача, хуфтонни бомдодгача, бомдодни эса қуёш чиққунича кечиктиришдир», – деди.

Ҳаётининг охиригача бу одатини сурункали давом эттирган одам тавба қилмай ўлиб кетса, Аллоҳ таоло унга Ғой — жаҳаннам қаъридаги чуқур ва қаттиқ қийноқлар бўлган водийни ваъда қилмоқда.

Аллоҳ таоло айтди: **«Эй мўминлар, на молдунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!»** (Мунофиқун: 9).

Муфассирлар гуруҳининг бир қисми мазкур оятдаги «Аллоҳнинг зикри» беш вақт намоз эканини айтиб ўтдилар. Демак, савдоси, ҳунари ёки фарзандлари боис, беш вақт намозни ўқий олмаган одамлар — зиёнкордирлар. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат кунида банданинг илк ўлароқ сўраладиган амали намози-

дир. Намози дуруст бўлса нажот топиб, зафарга эришади. Намози тўқис бўлмаса муваффақиятсиз бўлиб, зарар қилади», – дедилар.

Ҳолбуки Аллоҳ таоло: **«Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга Ҳалокат бўлгай ...»** (Моъувн: 4, 5) деган.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам оятдаги «эсар» одамлар ҳақида: «Улар — намозни ўз вақтидан кечиктирадиган кимсалардир», – дедилар (Байҳақий «Сунан», 2982).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам кунларнинг бирида намоз ҳақида гапирдилар ва: «Ким намозларни вақтида ўқиса, у намозлар унга Қиёмат кунинда нур, ҳужжат ва нажот бўлади. Ким вақтида ўқимаса унга нур ҳам, ҳужжат ҳам, нажот ҳам бўлмайди. Ва у одам Қиёмат кунинда Қорун, Фиръавн, Ҳормон ва Убай ибн Халаф билан бирга бўлади», – дедилар (Имом Аҳмад, 6288, 6576).

Айрим уламолар намозини вақтида ўқиманганларнинг ўша кофирлар билан бир сафда бўлишини таъкидладилар. Намозини молу дунёси сабабли вақтида ўқий олмаган одам

Қорунга ўхшагани учун Қорун билан, қироллиги туфайли ўқий олмаган одам Фиръавнга ўхшагани учун Фиръавн билан, вазирлиги туфайлиги ўқий олмаган одам Ҳомонга ўхшагани учун Ҳомон билан, тижорати сабабли намозини ўқий олмаган одам маккалик кофир савдогар Убай ибн Халафга ўхшагани учун Убай ибн Халаф билан бир сафда туради.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Аср намозини ўқий олмаган одам оиласи ва молидан маҳрум қолибди», – дедилар (Имом Бухорий, 519; Имом Муслим, 991; Насоий, 364).

Ибн Хузайма «Саҳиҳ»ида мазкур Ҳадисга қўшимча қилиб: Имом Молик: «Вақтнинг чиқиб кетиши бунинг изоҳидир», – деди, деди (Ибн Хузайма, 334).

Имом Бухорий (раҳимаҳуллоҳ) Самура ибн Жундаб разияллоҳу анҳунинг ушбу ривоятини келтирди: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан: «Ичингиздан бирон-тангиз туш кўрдими?», – деб кўп сўрар эдилар. Саҳобалар кўрган тушларини Аллоҳ хоҳлаганича айтиб берар эдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бир куни эрталаб: «Бу кеча олдимга икки киши келиб, мени

Ўрнимдан тургиздилар ва: Юринг кетдик, – дедилар. Мен улар билан бирга кетдим. Биз ёнбошлаб ётган ва бошида иккинчи бир киши катта Ҳарсанг тошни олиб тик турган ва тош билан ётган одамнинг бошига ураётган одамнинг олдига келдик. У ургани сайин бош мажақланар ва тош ҳў анави жойгача юмалаб кетар, (иккинчи) одам тошнинг орқасидан бориб олиб келгунича бош яна аввалги ҳолатига қайтар ва у одам яна аввалги сафардагидек уришини такрорлар эди. Мен (олдимга келган) икки одамга: Субҳоналлоҳ, у иккиси нега бундай?, – деб савол бердим. Улар менга у кишининг Қуръонни ўрганиб, кейин тарқ қилган ва фарз намозлардан ухлаб қолган одамлар эканидан хабар бердилар» (Имом Бухорий, 1075, Насоий, 7658).

Баззор (раҳимаҳуллоҳ)нинг ҳадисидида эса шундай дейилган: «Сўнгра Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни бошлари тошлар билан ёрилаётган қавмларнинг олдига олиб борилди. Бошлар ёрилгани сайин ўзининг аввалги ҳолатига қайтар ва бу ҳеч тинмай такрорланар эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ҳой Жибрийл, бу ким?», – деб



сўраганларида Жибрийл алайҳиссалом: «Улар, бошлари намоз ўқишни оғир кўрган одамлар», – деб жавоб берди».

Ҳой одамлар, бугунги кунда кўплаб одамлар намозга эътибор бермай, лоқайд бўлиб қолдилар. Уларнинг айримлари намознинг шартлари, рукнлари ва фарзларига лоқайд бўлиб уларни тўқис бажармаяптилар, ўрганмаяптилар ва тўқис жойига келтириш учун тушунишга ҳаракат қилмаяптилар. Гоҳида намознинг бирон-бир шarti ёки рукнини бузиб, намозлари бекор бўлмоқда. Бироқ, улар намоз ўқимаётган бўлсаларда, намоз ўқияпмиз деб ўйламоқдалар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам саҳобалардан бирининг оёғининг бир танга миқдорича ерига сув тегмаганини кўриб қолдилар ва намозини қайта ўқишга буюрдилар. Бошқа бир одамнинг эса намоз ўқисада, намозиди шошилиб ҳаракат қилаётганини кўрдилар ва: «Орқанга қайт ва намоз ўқи! Сен намоз ўқимадинг!», – дедилар (Имом Бухорий, 715, 751, 5782, 6174; Имом Муслим, 602).

Айрим эркаклар эса фарз намозларини жамоат иштирокида ўқишга ўта лоқайддилар.

Бундай қилиш мунофиқлик аломатларидан бири бўлиб, шаръий узри бўлмайд туриб намозни жамоат билан ўқимаган одам катта жиноят қилган ва дунё ва охирада қаттиқ жазога сазовор бўлади. Ҳатто уламолар, у одамнинг танҳо ўқиган намози дуруст эмаслигини ҳам таъкидлаганлар.

Бугун айрим одамларнинг намозни жамоат иштирокида ўқишга ўта эътиборсиз бўлиб кетганларини кўрмоқдамиз. Уларнинг баъзилари масжидга қўшни уйларда яшашларига қарамай, биронта намозни масжидда ўқимайдилар. Ўз уйдан дунёвий ишлари учун чиқадилар, аммо кечаю кундуз беш маҳал азонни эшита туриб, намозни масжидда ўқиш учун чиқмайдилар. Гўё улар: Биз амрларни эшитдик, аммо итоат этмадик!, демоқчи бўладилар.

Ишнинг ажабланарли жиҳати шундаки, Роббисига осий бўлиб, Унинг чақириғига ижобат қилмаган, масжидларда Аллоҳнинг фарзини адо этмаган мана бу одам билан айна уйда яшаётган бошқа шахслар эса, мусулмонлар билан бирга намоз ўқийдилар. Бироқ улар бундай одамга дашном бермайдилар, уйла-

рида ўзининг хоҳлаган нарсасини Қилишига Қаршилиқ Қилмайдилар, Ҳатто бир дастурхон атрофида еб, ичадилар! Ахир диний Ҳамият Қаерда Қолди?! Амру маъруф ва наҳий мункар Қаерда Қолди?! Бу одамлар у осийни Қайтаришлари керак. У агар Аллоҳга тавба Қилиб, мусулмонлар билан бирга намоз ўқиса яхши, бўлмаса уйларида қувиб чиқарсинлар! Агар уй уники бўлса, ўзлари унинг уйдан чиқиб кетсинлар ва ундан узоқроқ уйда яшасинлар! Риоя ва мўлтонилик Қилмасинлар! Агар у одамдан дунёвий умидлари бўлса, унутмасинларки, Аллоҳ Ҳузуридаги нарсалар уникидан кўра яхшироқ ва мангуроқдир.

**«Аллоҳ ризқ бергувчиларнинг яхшироғидир»** (Жумъа: 11).

**«Ким Аллоҳдан кўрқса У зот унинг учун (барча Ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилади ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантиради»** (Талоқ: 2, 3).

Айрим одамлар жамоат билан баъзи намозларни ўқисаларда, бомдод каби айрим намозларни жамоат билан бирга ўқимайдилар. Жамоат билан бомдод намозини ўқимаган одамларнинг сони анчагина. Ҳолбуки, бундай

Қилиш мунофиқлик аломатларидан бири эканидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган эдилар. Сизлар аввалги икки ҳадисда бошлари намоз ўқишни оғир кўрган одамларнинг бошлари, қайта жон ато этилган кунларида қабрларида тошлар билан ёрилишини, ҳар ёрилгани сайин яна қайта жойига келишини ва бу мудом давом этишини эшитдингиз. Аллоҳ бундай азобдан сақласин!

Ҳозирги кунда намоздан ухлаб қолишга сабаб бўлган нарсалардан бири, кечаларни олди-қочди суҳбатлар, бемаъни ўйин-кулгу, қўшиқ ва куйларни тинглаш, ойнаи жаҳон ёки видеоларда фильмларни, гоҳида ҳаёсиз фильмларни томоша қилиб бедор ўтказиб, тонг отиши яқнлашгач намоздан ухлаб қолишдир. Бундай қилаётган инсонлар ҳаром нарсалар билан бедор бўлиб, фарзни адо этиш ўрнига донг қотиб ухламоқдалар! Бир инсон кечани Қуръон тиловати билан ўтказиб бомдод намозига тура олмаса, унинг бу бедорлиги — ҳаромдир. Шундай экан, Аллоҳнинг маъсияти билан кечани бедор ўтказиб, Аллоҳнинг ибодатидан ухлаб қолиш ҳақида нима дейиш мумкин?!

Гоҳида жамоатни тарк қилишга иккинчи жиноятни ҳам қўшадилар. У жиноят — намозни ўз вақтидан кечиктириб, Кўёш кўтарилганидан кейингина ўқишлари ва бу билан намозини унутган кимсалар қаторига киришларидир.

Ҳой мусулмонлар, намозларига эътибор берган мусулмон бомдод намозига ухлаб қолмайди ва жамоатдан кечикмайди. Мусулмон, намозга уйғотадиган эҳтиёт чораларини кўради. Бу чоралардан бири — эрта ётишдир. Бошқаси, ўз оиласидагилар ва қўшниларидан бирига намозга уйғотиб қўйишини тайинлашдир. Яна бири эса, намоз вақти келганини эслатадиган занг соатидир. Ҳатто, одам намозга туриш нияти билан кўрпасига ўранса, Аллоҳ таолониг ўзи унга намозга уйғотиб қўядиган шароитни яратиб қўяди! Бироқ, намозга туришга диққатсиз бўлса ва намоз унинг хаёлига келмаса, шайтон унга ҳукмрон бўлиб, тўғри йўлдан оздиради.

Аллоҳнинг бандалари, диний ишларингизнинг барчасида, хусусан намоз ўқишда Аллоҳдан тақво қилингиз! Чунки намоз, диндан йўқоладиган нарсанинг охиргисидир. У йўқолгач, диндан асар ҳам қолмайди.

Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм.

**«Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шахватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмонликка (яъни ёмон жазога) йўлиқадилар. Магар иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларгина (азобга дучор қилинмаслар). Бас, улар жаннатга кирадилар ва уларга бирон зулм қилинмас»** (Марям: 59, 60).

## Иккинчи хутба

### Намозни жамоат билан ўқинг!

Мен, мўминларнинг намоз ўқишлари учун тайинли вақтларни фарз қилган, намозларни тўқис ва ўз вақтида жамоат билан адо этишга буюрган Аллоҳга, унинг неъматларига ҳамду санолар айтаман. Унинг мўл лутфи ва карамига шукроналар келтираман.

Мен ягона ва шериксиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ жамоат намозида иштирок этмаган кимсаларга қаттиқ жазоларни ваъда қилган Аллоҳнинг қули ва расули эканига гувоҳлик бераман. Аллоҳ таоло Унга, Унинг оиласи, саҳобалари ва Унинг турмуш тарзига Қиёмат кунигача издош бўлган барчага салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Хой одамлар, Аллоҳдан тақво қилинглари ва билинглари, намознинг ўрни буюқдир. Буни, Аллоҳ таоло Ўз Китобида баён қилган.

Намоз, Ислом рукнларининг икки шаҳодат калималаридан кейинги иккинчи рукнидир. У – муслмон билан кофир ўртасини ажратувчи-

дир. Намоз — Ислоннинг устунидир. Бунга Қуръон ва суннатдан далиллар анча кўпдир.

Ҳой мусулмонлар!

Шайтон, мусулмонни намоздан оздириш учун жуда кўп тиришади. Чунки у, намоздан оздириб олса, бошқа ибодатлардан буриш осон эканини жуда яхши билади. Чунки, намоз ўқимаган одамнинг дини, Ислонда эса насибаси бўлмайдди. Зеро Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Динингиздан охири йўқотадиган нарсангиз — намоздир», — деганлар (Ҳоким, 8448).

Шайтон ушбу намоздан мусулмонни буриш учун турли йўллари синаб кўради. Агар уни намоздан бутунлай воз кечтириш имкони бўлса, бунинг учун бор кучини сарф қилади. Агар намоздан тўса олмаса, аввало уни жамоат билан намоз ўқиш, кейин эса намозни белгиланган вақтида ўқишдан тўсиш учун, турли ҳийлаларга қўл уради. Агар жамоат билан намоз ўқишдан тўса олмаса, намознинг бир қисмига улгура олмаслиги, масжидда жамоат билан намоз ўқиш савобидан маҳрум қолиши ва жамоат намозига бошидан иштирок



этмаслиги учун масжидга кеч чиқиш ва ялқовлик қилишга васваса қилади.

Бу — бугунги кундаги кўплаб мусулмонларнинг ҳолидир. Уларнинг талайгина қисми қўшни бўлишларига қарамай, масжидларга намоз ўқиш учун кирмайдилар ёки айрим намозлар учун кириб, бошқалари учун кирмайдилар. Кўплаб мусулмонлар масжидга кеч келадилар ва имом билан намознинг бир қисминигина ўқийдилар ёки умуман жамоат намозига етиша олмайдилар. Жамоат намозига келмаган кимсалар Аллоҳ ва Расулига осий бўлиб, ўзларини Аллоҳнинг ғазабига дучор қилиб, дунё ва охирадаги азобга сазовор бўлмоқдалар ҳамда кўплаб савоблардан маҳрум қолмоқдалар.

(Келинлар), Аллоҳнинг Қуръони ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига жамоат билан намоз ўқишни фарз қилган ва бу масъулиятни бажара олмаган одамга аламли азобдан хабар берган кўрсатмаларга қулоқ солинлар.

Аллоҳ таоло айтди: **«Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва рукуъ қилгувчилар билан бирга рукуъ қилинг»** (Бақара: 43).

Аллоҳ таоло намозни тўқис адо этиш ва рукуъ қилганлар билан бирга ўқишни буюрди. Бу, (эркакларнинг фарз) намозни жамоат бўлиб ўқишларини ифодалайди. Бир ҳолат ёки сифатга боғланган буйруқни ўша ҳолат ва сифатга кўра ижро қилинсагина, буюрилган одамнинг итоат қилгани маълум бўлади. Оят, намознинг жамоат билангина ўқилишига далолат қилмоқда.

Аллоҳ таоло айтди: **«Болдирлар очиладиган (яъни, офир ҳисоб-китобга чоғланиладиган) ва улар (кофирлар) кўзлари (қуйига) эгилган, хорлик уларни ўраб-эгаллаб олган ҳолларида сажда қилишга чорланишиб, (лекин саждага) кучлари етмай қоладиган Кунни (эсланг)! (Чунки ҳаёти дунёдалик пайтларида) улар соғсаломат бўлган ҳолларида сажда қилишга чорланар эдилар (аммо саждага қодир бўла туриб ундан бош тортар эдилар)»** (Қалам сураси: 42, 43).

Аллоҳ таоло Қиёмат кунда уларни, ўзлари билан сажда қилишлари ўртасини тўсиш билан жазолайди. Чунки улар, масжидларда сажда қилишга чақирилганларида, чорловчига ижобат қилишдан бош тортган эдилар. Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам, чорловчи — муаззинга ижобат қилиш қандай эканини Имом Муслим (раҳимаҳуллоҳ) ривоят қилган Ҳадислари билан изоҳладилар: «Сўқир одам келиб: Ё Расулulloҳ, менинг масжидларга олиб келадиган йўлбошчим йўқ, — деди ва ўзига уйда намоз ўқишга рухсат беришларини сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга рухсат бердилар. У одам орқасига қайрилиб кета бошлаганида чақирдилар ва: «Чақириқ — азонни эшитасанми?», — деб сўрадилар. У: Ҳа, дегач: «Ундай бўлса, ижобат қил!», — дедилар» (Имом Муслим, 1044).

Ушбу Ҳадис ҳам ижобат қилишга буюрилган нарса, жамоат намози учун масжидларга бориш эканини ифодаламақда.

Талайгина салаф олимлари Аллоҳ таолонинг: «(Чунки Ҳаёти дунёдалик пайтларида) **улар соғ-саломат бўлган Ҳолларида сажда қилишга чорланар эдилар**» (Қалам: 43) оятидаги «**чорланар эдилар**» жумласини: «Улар: «Намозга шошилишлар! Нажотга шошилишлар!», — деб чақирилар эдилар», — дея изоҳладилар.

Ҳой, азонни эшитиб уйлари ёки бозорларида ўтирган ва жамоат билан намоз ўқимаётган кимсалар, Роббингизга тавба қилмасангиз Қиёмат кунда сажда қила олмайдиганлар билан бирга бўлиб, Аллоҳ ва махлуқлар олдида шарманда бўласизлар!

Жамоат билан намоз ўқимаслик, мунофиқлик аломатларидан биридир. Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг «Саҳиҳ»ларида Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мунофиқларга энг оғир бўлган намоз — хуфтон ва бомдод намозларидир. Улар бу икки намоздаги савобларни билсалар эди, унга эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар. Мен намоз ўқишга буюришни, намозга иқомат айтилишини, кейин одамларга имом бўлиб намоз ўқиши учун бир одамни тайинлашни, сўнгра, ўзим ўтин боғларини кўтарган кишилар билан бирга намозга келмаган кишиларнинг олдига бориб, уларни уйлари билан бирга ёқиб юборишни қасд қилдим»» (Имом Муслим, 1041).

Имом Аҳмад (раҳимаҳуллоҳ) ривоят қилган Ҳадисда эса шундай дейилган: «Агар ичида

хотинлар ва болалар бўлмаганида эди, хуфтон намози учун иқомат айтар ва йигитларимга уйларни ичидаги нарсалари билан ёқиб юборишга буюрган бўлар эдим» (Имом Аҳмад, 8441, 8796).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоат намозидан кеч қолган кишиларни шу буюк вазифани адо этишлари ўрнига ичида қолишган уйлари билан ёқиб юборишни, бу ибодатдан воз кечганлари эвазига жазо ўлароқ уларни молу мулклари билан бирга куйдириб ташлашни қасд қилдилар. Бу — оғир жиноятлар учун қўлланадиган оғир жазодир. Чунки, ичидаги одамлари билан бирга ёқиб юборилган уй ёнғинидан, одамлар ниҳоятда қўрқадилар. Демак, жамоатни тарк қилган одамларга бу жазо қўлланса эди, шаръий жазо бўлар эди.

Шунинг учун ҳам саҳобалар, (фарз) намозларни жамоат билан ўқишга катта эътибор берар, жамоат намозларига чиқмаган одамларга қаттиқ дашномлар беришар ва уларни мунофиқликда айблашар эди. Имом Муслимининг «Саҳиҳ»ида Абдуллоҳ ибн Масъуд разиял-лоҳу анҳунинг ушбу гаплари бор: «Кимни эртага Аллоҳга мусулмон бўлиб дуч

келиш севинтирса, мана бу намозларни чорланган жой (масжид)да ва вақтида ўқисин. Чунки уларни (масжидларда ўқиш), ҳидоят йўллари-дан биридир. Аллоҳ таоло пайҒамбарингизга ҳидоят йўлларини машруъ қилди. Сизлар (фарз) намозни, намозга келмаган одам каби уйларингизда ўқийдиган бўлсангиз, пайҒамба-рингизнинг суннатини тарк қилган бўласизлар. Агар пайҒамбарингизнинг суннатини тарк қилсангизлар, адашасизлар. Қайси бир одам таҳорат қилса, қилганда ҳам чиройли қилса, сўнгра шу масжидлардан бирини қасд қилса, Аллоҳ таоло унга босган ҳар бир қадами учун бир яхшилик ёзиб, унинг бир мақомини кўтаради ва бир ёмонлигини ўчиради. Мен ўз замонамизда жамоат намозига мунофиқлиги аниқ бўлган одамларгина бормаганини кўрган эдим. Ҳатто бир намозхонни (юра олмагани учун) икки киши икки тарафидан қўлтиқлаб олиб келинар ва сафга тизиб қўйилар эди» (Ибн Можа, 769; Имом Аҳмад, 3440, 3623).

Бу – Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳунинг саҳобалар тасаввуридаги жамоат намозига бўлган эътибор тавсифи ҳамда

жамоат намозида иштирок этмаган одамнинг улар четлатишгани ва мунофиқ деб ҳукм қилишларидир.

Бугунги кунда жамоат намозида иштирок этмаган одамлар ҳам ҳануз бизнинг қадрдон дўстимиз бўлиб, уни ҳурматлаймиз, у билан ҳеч жиноят қилмаганидек, Аллоҳ ва Расулига ҳеч осий бўлмаганидек борди-келди қиламиз, аралшиб юрамиз. Бу, тарозига намозни тортиш учун қўйган тошларимизнинг енгиллига далилдир. Бас, бизга Қуръони Карим оятлари, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари, саҳобалар ва кунимизгача яшаб келган мусулмонлар амалидан жамоат билан (фарз) намозларни ўқишнинг вожиблиги ҳамда фарз намозларни жамоат билан ўқишга лоқайд бўлган одамларни огоҳлантириш зарурлиги ва дунё ва охирада жазоланиши муқаррар экани маълум бўлди.

Ҳой, сиз масжидга қўшни яшаб азонни эшитган, соғлиги жойида, хавфсизлиги таъминланган ва жамоат намозларида иштирок этмаётган намозхон, масжидга келмасликка нима баҳонангиз бор?! Сиз оят ва ҳадисларни эшитмадингизми? Ёки эшитсангиз ҳам: «Биз

эшитдик, аммо итоат этмаймиз!», – дедингизми?!

Ҳой муслмонлар, бизнинг намозга бугунги кундаги муносабатимиз яхши эмас. Биз намозга эътибор бермай, лоқайд бўлиб кетдик. Жамоат намозларида иштирок этмаслик енгил, ҳатто оддий ишга айланди. Катта-катта хонадонлардан бир-икки кишигина масжидларга келиб жамоат билан намоз ўқиса, айрим оилалардан ҳеч ким келмаяпти. Масжидларга келиб жамоат билан намоз ўқиётган мўминлар эса, намозга келмаганларга лом-мим демаяпти. Ҳолбуки намозга келмаганлар, уларнинг ўз фарзандлари бўлиб, агар келмасалар уларни келишга буюриш, ҳатто уриш Аллоҳ тарафидан масъулиятдир.

Уйлар ва бозорларга қарасангиз одамлар билан лиқ тўла, улар ичидан айримларгина масжидга келишга одатланган. Келганларнинг кўплари ҳам жамоат намозида иштирок этмаганлар билан бирга, Аллоҳнинг жазоси ва мунофиқлик белгисига рози бўлиб туришибди.

Бу — мисли кўрилмаган даражада молу мулкка зарар ва жонларга жабрдир.



Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳдан тақво қилингиз ва Унга, бошингизга сезмаган ҳолингизда келиб қолиши мумкин бўлган интиқомидан илгари, тавба қилингиз!

Аъзуз биллаҳи минаш шайтонир рожийм.

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **иймон келтирган бандаларимга айтинг, намозни тўқис адо қилсинлар ҳамда олди-сотди ва ошна-оғайнигарчилик бўлмайдиган Кун (Қиёмат) келиб қолишидан илгари Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эхсон қилсинлар»** (Иброҳим: 31).

Манба: Ҳикмат нури веб саҳифаси

